

«BIOKIMYO» AJ
акциядорларининг 2022 йил 29 июндаги
Умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Умумий йиғилиш Раиси А.Тугизбаев
М.Ү.

**«BIOKIMYO»
AKSIYADORLIK JAMIYATINING**

**Саноқ комиссияси тұғрисидаги
НИЗОМИ
(яңги таҳрири)**

Яңгийул тумани – 2022 йил

МУНДАРИЖА

1.	Умумий қоидалар	3
2.	Саноқ комиссиясини ташкил этиш.	3
3.	Саноқ комиссиясининг вазифалари.	3
4.	Овоз бериш якунлари бўйича баённома. Овоз бериш натижаларини эълон қилиш.	4

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом «BIOKIMYO» Aksiyadorlik jamiyatining (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) Саноқ комиссияни ташкил этиш, унинг вазифаларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида» Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади) ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқылған.

1.3. Саноқ комиссияси ўз фаолиятини қонунчилік, Устав ва ушбу Низомга асосида амалга оширади.

1.4. Саноқ комиссияси ўзига юқлатилған вазифалар бүйіча мустақил, доимий фаолият юритувчи акциядорларнинг умумий йиғилиши ишчи органды хисобланади.

1.5. Саноқ комиссиясинаң фаолияти билан бөлілік қайсынан масалалар Қонун, Устав ва ички корпоратив хужжатлар, шу жумладан, ушбу Жамият Устави билан тартибға солинмаган бўлса, ушбу масалалар акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқини максимал даражада таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб, Саноқ комиссияси томонидан ҳал этилиши лозим.

2. Саноқ комиссиясинаң ташкил этиш

2.1. Саноқ комиссияси Кузатув кенгаши томонидан ташкил этилади. Саноқ комиссиясинаң миқдорија ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилишида беш йил муддатта тасдиқланади.

2.2. Саноқ комиссияси камида уч нафар кишидан, шу жумладан Раис ва Саноқ комиссияси аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

2.3. Саноқ комиссиясинаң ташкил этиш муддати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Саноқ комиссияси номуайян муддатта ва янги Саноқ комиссияси тузилгунча бўлган муддатга тузилиши мумкин.

2.4. Саноқ комиссиясига акциядорлар (уларнинг вакиллари), шунингдек, Жамиятнинг ходимлари киришлари мумкин. Саноқ комиссиясига Кузатув кенгаши аъзолари, ревизия комиссияси аъзолари, Бошқарув аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек, ушбу лавозимларга номзоди кўрсатиладиган шахслар кириши мумкин эмас.

2.5. Саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш мумкин (масалан, инвестиция маслахатчиси ёки қимматли қофозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси).

2.6. Жамият Саноқ комиссияси таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

2.7. Саноқ комиссиясинаң алохидан ваколатлари ёки бутун Саноқ комиссияси таркибининг ваколатлари Кузатув кенгашининг қарори билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

3. Саноқ комиссиясинаң вазифалари

3.1. Саноқ комиссиясинаң вазифаларига қуйидагилар киради:
акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиши учун қайд қилиш рўйхатини тузиш;

ваколатларни текшириш ва шахсларни акцидорлар Умумий йиғилишида иштирок этиши учун рўйхатга олиш;

акцидорлар Умумий йиғилишининг кворумга эга эканлигини аниклаш;

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш хукуқини амалга ошириши билан боғлиқ масалалар бўйича тушунтириш бериш; овозга чиқариладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтириш; овоз бериш учун бюллетенлар ва акциядорлар Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини бериш, берилган бюллетенларнинг ҳисобини юритиш; умумий йиғилишда иштирок этган шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетенъ нусхасини олиш имконини бериш; овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш хукуқларини таъминлаш; бюллетенларини йиғиш, овозларни ҳисоблаш ва овоз бериш натижаларини чиқариш; овоз бериш якунлари бўйича баённома тузиш; овоз бериш натижаларини эълон қилиш; овоз бериш бюллетенларини Жамият архивига топшириш.

4. Овоз бериш якунлари бўйича баённома. Овоз бериш натижаларини эълон қилиш

4.1. Овоз бериш якунлари бўйича акциядорлар умумий йиғилишида Саноқ комиссияси овоз бериш натижалари бўйича ўзининг аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади.

4.2. Овоз бериш натижалари бўйича баённома акциядорлар умумий йиғилиши ёпилиши билан дарҳол тузилиши лозим.

4.3. Овоз бериш натижалари бўйича баённома икки нусхада тузилади.

4.4. Овоз бериш натижалари бўйича баённомада қўйидагилар белгиланади:

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
акциядорлар – жамиятнинг овозга эга бўлган акциялари эгалари эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар эга бўлган овозлар сони;
йиғилиш кворуми;

овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари, йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар;

4.5. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин акциядорларнинг қоғоздаги ёки электрон жисмдаги овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ва жамият идоравий архивига сақлаш учун топширилади.

4.6. Овоз бериш натижалари бўйича баённома (иккинчи нусхаси) акциядорлар Умумий йиғилиши баённомасига тикиб қўйилади.

4.7. Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шу жумладан овоз бериш якунлари Қонун ва Жамият Уставида белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ ушбу қарорлар қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кун ичida акциядорларга маълум қилинади.

Овоз бериш якунлари Акциядорлар Умумий йиғилишида эълон қилинади, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган муддатда овоз бериш натижалари бўйича ҳисботни нашр қилиш йўли билан Акциядорлар Умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг акциядорларга маълум қилинади.